



IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI
IMAM BUKHARI INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

Imom Buxoriy saboqlari

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal
Spiritual and educational, scientific-literary journal

№ 4 / 2021

IMOM BUXORIY
XALQARO ILMIY-
TADQIQOT MARKAZI –
YANGI
O'ZBEKISTONNING
YANGI TIMSOLI

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. Китоб савдоси борасида қўлёзмалардаги айрим қайдлар.....	4
Отабек МУҲАММАДИЕВ. Аҳли сунна вал жамоа ақидасини тарғиб этишда “Лубобул калом” асарининг аҳамияти.....	6

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Феруза НИЗАМОВА. Хусрав Деҳлавий ижодининг тарихига чизгилар.....	9
Илҳом БЕРДИЯРОВ. Мовароуннаҳрлик фақиҳларнинг асарларида келтирилган молиявий масалалар.....	10
Зебинисо ХУРРАМОВА. Абдушукур Қори Яхшибоевнинг лирик мероси: матний тадқиқ ва таҳлил.....	12
Хуршида НАЗИРОВА. «Хусайн Хоразмий» ҳақида янги мулоҳазалар.....	14
Каромиддин ЖАМАҲМАТОВ. Ҳожи Муҳаммад Шаҳдий ижодининг жанрий таркиби ва унинг ирфоний талқини.....	16
Мавзуна ШЕРОВА. XI-XII асрларда Мовароуннаҳр арабийзабон адабиётидаги дидактика жанри хусусида айрим мулоҳазалар.....	17
Behzod RUSTAMOV. Navoiy tasavvuf va falsafa.....	19
Азиза ҚАЮМОВА. Абу Зайд Муҳаммад ибн Халдуннинг илмий мероси.....	21

НОДИР МАНБАЛАР

Нигора ЮСУПОВА. Бурҳониддин Марғинонийнинг ал-Ҳидоя асари муҳим фикҳий манба сифатида.....	23
Муслим АТАЕВ. “Ал-асъила ва-л-ажвиба”нинг илмий танқидий матнини тузиш тамойиллари.....	25
Акмалхон АКМАЛХОНОВ. Абу Яъқуб Саккокий “Мифтаҳу-л-улум” асарининг қўлёзма нусхалари ҳақида....	27
Баходиржон АЗАМОВ. Ҳаким Термизийнинг “Ал-Амсол минал-китоб вас-сунна” асарининг қўлёзма ва замонавий нашрлари тавсифи.....	28
Йўлдошхон ИСАЕВ. Замахшарийнинг “Атвоқу-з-заҳаб” асарининг икки нодир қўлёзма нусхаси.....	30
Нодир ҚОБИЛОВ, Ирода ДАУРБЕКОВА. “Саҳиҳул Бухорий”нинг Мақдисий қўлёзма нусхаси”нинг тавсифи...	31
Нигора ХАКИМОВА. Қафол Шошийнинг “Маҳосин” асарида ҳусн ва қубҳ масаласи.....	33
Ферангиз КАЛАНДАРОВА. “Тарихи салотини Манғития”да амирликнинг давлат бошқаруви масалаларининг ёритилиши.....	35
Ильгам САБАНЧИН. Причина написания книги «Аль-Барк аль-Вамид аля аль-Баид аль-Мусамма би-н-Накыд» Ш.Марджани.....	38

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Жамшид ШОНАЗАРОВ. Икки буюк саркарда: Амир Темур ва Йилдирим Боязид.....	39
Фаррух АҚЧАЕВ. Жиззах воҳаси аҳолисининг мотам ва хотира маросимлари хусусида.....	40
Нодира СУЛТОНОВА. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларни амалга оширишда миллий қадриятларнинг ўрни.....	42
Дилноза ЖАМОЛОВА. Бухоро жадидларининг “Тарбияи атфол” жамияти ва унинг Истанбулдаги шахобчаси...	43
Алишер САНДИБОЕВ. Шовдор рустоқи ва унинг локализациясига доир янги маълумотлар.....	46
Янгибой ТУРДИМУРАТОВ. XX аср бошларида Сурхон-Шеробод воҳасининг этноиқтисодий тизимида чорвачилик.....	47
Ихтиёр КУШШАКОВ. “Чорчинор” эпиграфик ёдгорликлари.....	49
Xurshid JUMANAZAROV. O'zbek xalqining tabobat tarixiga nazar.....	51
Юлдаш ЮЛДАШЕВ. Хива хонлари архиви ва унинг ўрганилиши.....	53
Ахрор ЭШМУҲАМАТОВ. Жиззах воҳаси аҳолисининг “чорва ҳисоби” билан боғлиқ тақвимлари.....	54
Феруз НАРМАНОВ. XX асрнинг 20-30 йилларида маданий-маърифий муассасаларнинг таснифи ва ўзига хос хусусиятлари.....	56

Одилжон ИНОМОВ. Қовунчи маданияти аҳолисининг тили масаласи.....	58
Ахмаджон ХУДАЁРОВ. Ўзбекистонда солиқ тизимини тубдан янгилаш борасидаги давлат сиёсати, унинг ҳуқуқий-меъёрий асослари ва институционал тизимининг вужудга келиши.....	61
Ғайрат ХАМРАЕВ. Қушбеги лавозимининг Бухоро амирлиги бошқарув тизимида тутган ўрни хусусида.....	63
Бахтиёр РИЗАЕВ. Миграция населения в ближнем и среднем востоке VII-XVI века.....	64
Фируза ШИРИНОВА, Саодат ҲАМРОЕВА. Тарихий Манғит амирлари давлатчилиги: ворисийлик ва замонавийлик.....	65
Нафиса ВАЛИЕВА. Ислом мактаблари. Совет ҳукуматининг ислом маданияти ва эътиқоди борасидаги сиёсати.....	68

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Адхам АШИРОВ. Ислом динида сувга муносабат.....	69
71..... علوم الوحى والعلوم الإنسانية . ادأدهم تمام فراج	
Мухтор НАЗИРОВ, Мейербек ЕРГАШБАЕВ. Замонавий халқаро муносабатларда мусулмон дунёсининг ўрни.....	73
75..... سالم عينولين . شبهة عدم التخرج للإمام أبى حنيفة في الكتب الستة والرد عليها	
Иргаш ДАМИНОВ. Мўътазилийлик ақидаси: шаклланиши, ёндашувлар.....	78
Ro'zimuhammad TO'XTASINOV, Dilovar SULTONOVA. Movarounnahr fiqh manbalarida ayollarning ziynatlanish me'yorlari.....	80
Sa'dulla BOVOXODJAYEV. Sharqda hadisshunoslik ilmining yuzaga kelishi.....	81
Гулноза АЛИЖОНОВА. Ризоуддин ибн Фахриддиннинг “Кутуби ситта ва муаллифлар” асарида ҳадис тушунчаси ва илмининг ёритилиши.....	83
Алоуддин НЕМАТОВ. Мотуридийлик таълимоти ривожига ҳисса қўшган хитойлик тўрт шайхулислом.....	85
Шукрулло ЖЎРАЕВ. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний асарларида диний бағрикенглик масаласи.....	87
Малика ТЎХТАЕВА. Ўрта Осиёда Биринчи Ренессанс даври амалий санъатини XX аср санъатшунослари томонидан ўрганилишининг баъзи жиҳатлари.....	89
Жонибек ЖУМАЕВ. Мустақиллик арафасида диний-маърифий соҳа трансформацияси.....	92

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Рустам ШОДИЕВ, Дилрабо АМРИДИНОВА. Жадидлик таълимотининг комил инсон тарбиясидаги аҳамияти.....	94
Машҳура РАШИДОВА. Миллий маънавиятимиз тараққиётида қадриятлар ўрни.....	95
Элёр АЛИМКУЛОВ, Раъно УРАЗОВА. Жаҳон динлари миқёсида ой рамзи.....	97
Jaxongir PULATOV. Barqaror taraqqiyot kontekstida inson taraqqiyoti konsepsiyasi.....	99
Mohira ABDULLAYEVA. O'zbekiston hududida bag'rikenglik va vijdon erkinligining ta'minlanishining tarixiy ildizlari.....	100
Xabibullo SADIBAKOSEV, Sirojiddin ABDUVOITOV. Yangi O'zbekiston tashqi siyosatining xalqaro munosabatlar tizimidagi ro'li va istiqbollari.....	104
Хонзода МАДАЛИЕВА. Христианликда муқаддаслик феноменига муносабат-троица.....	106
Жаҳонгир АЛЛАБОЕВ. Меҳнатдан бегоналашувнинг жамият тараққиётига таъсири.....	107
Лола КАРИМОВА. Абдурахмон Жомийнинг рашҳаларида инсон масаласи.....	109
Маҳмуд ДЕҲҚОНОВ. Маҳалла ва оилани ижтимоий ҳимоялашда фуқаролик жамиятининг ўрни.....	110
Natalya RADJAROVA. Gender tengligi insonning rivojlanish barqarorligining omili sifatida.....	111
Илҳом РИЗАЕВ. Ижтимоий тизимни эркинлаштириш ва жамият тараққиёти.....	113
Алишер ТОЖИЕВ. Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятлари.....	116

Лазизахон АЛИДЖАНОВА. Ўрта асрларда христианлик таълимотининг тиббиёт ва вабо касаллигига муносабати.....	117
Хосият МУЛЛАЖАНОВА. Тарихий онг ва хотира миллий ўзликни англашнинг омили.....	119
Мирзо ИХТИЁРОВ. Давлат бошқаруви жараёнида телеканалларда ёритиладиган муаммоларнинг фалсафий таҳлили.....	121
Тоҳир ЭВАДУЛЛАЕВ. Зиёрат туризми – туризмнинг энг истиқболли ва манфаатли йўналиши.....	123

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Соҳибназар КАРИМОВ. Тасаввуф фалсафасида комил инсон масаласи.....	126
Шухрат БОЗОРОВ. Аҳмад Дониш илмий меросининг фалсафий аҳамияти («Наводирул вақое» асари мисолида).....	128
Санжар МУРАДОВ. Фаридуддин Аттор асарларида илм ва маърифат тушунчаларининг фалсафий таҳлили.....	130
Мирзоулф МАМАСАЛИЕВ. Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги фалсафий-ахлоқий масалалар.....	131
Мансур ВАХАБОВ. Тарғибот ва ташвиқотнинг генезиси ва эволюцияси.....	133

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ


Улуғбек ЯЗДОНОВ, Соҳиба ЯЗДОНОВА. Ўзбекистонда таълим тараққиёти: режалар, марралар, муаммолар.....	135
Saida YULDASHEVA. Innovatsion fikrlash va tanqidiy fikrlashning ta'limdagi o'rni.....	136
Lola XASANOVA, Marg'uba MURATOVA. Yoshlarda vatanparvarlik tuyg'usini kuchaytirish imkoniyatlariga doir fikr-mulohazalar.....	137

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Батырбек ХАШИМОВ. Интернетнинг илмий соҳадаги ўрни.....	139
--	-----

БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Расулulloҳ қайтарган уч амал.....	140
-----------------------------------	-----



ЎРТА ОСИЁДА БИРИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИ АМАЛИЙ САНЪАТИНИ ХХ АСР САНЪАТШУНОСЛАРИ ТОМОНИДАН ЎРГАНИЛИШНИНГ БАЪЗИ ЖИХАТЛАРИ

МАЛИКА ТҶХТАЕВА

ЎзР ФА Миллий
археология маркази
Катта илмий
ходими

Марказий Осиёда биринчи уйғониш даври IX-XII асрларга тўғри келади. Бу даврда бутун мусулмон Шарқда бўлгани каби Моварауннахрда ҳам маданият, санъат, иқтисодиёт, савдо алоқаларида мислсиз юксалиш кузатилди. Буларнинг барчаси шаҳарларнинг жадал ривожланишига ҳисса қўшди, амалий санъат ва ҳунармандчилик ривожланди. Бу ерда ривожланган ҳунармандчилик бадий аънаёларининг ўзига хос услуби Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларига ўз таъсирини кўрсатган. Давом этаётган жараёнларнинг ўзига хослиги ва аҳамияти туфайли мусулмон Уйғониш даври тарихи нафақат тарихчилар, шарқшунослар, археологлар, балки, санъатшуносларни ҳам қизиқтирди.

Санкт-Петербург ва Москва санъатшунослик ва шарқшунослик мактабларининг вакиллари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Марказий Осиёга, одатда, қисқа муддатли таширларда (маъмурий сургун қилинадиганлар бундан мустасно), нафақат кўп миқдордаги фактик материалларни тўплашга, балки бир қатор тарихий ва назарий ишланмаларни амалга оширишга муваффақ бўлишди.

Туркистон археология хаваскорлари тўғрагининг (1895) фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган минтақанинг археологик ва тарихий тадқиқотлари доирасининг кенгайиши Ўзбекистон санъат тарихининг шаклланишидаги энг муҳим омил бўлди. Тўғарак Марказий Осиёда маданият ва тарихни ўрганиш бўйича Туркистондаги биринчи жиддий ихтисослашган гуманитар илмий марказ эди. Шунга таъкидлаш лозимки, дастлаб Ўрта Осиё санъати санъатшунослар эмас, балки филологлар, тарихчилар, меъморлар, этнографлар, археологлар томонидан ўрганилган. Ўрта Осиёнинг халқ декоратив-амалий санъати ҳақидаги тасавурларни ривожлантиришда этнографлар ҳал қилувчи рол ўйнади. Филологлар ва тарихчилар Ўрта Осиё бадий қўлёзмаларининг биринчи таржимони бўлиш шарафига муяссар бўлишди. Меъморлар Ўрта Осиё меъморчилигини ўрганишда ўз ҳиссаларини қўшди, археологлар эса Марказий Осиё халқларининг шаҳар ҳунармандчилигини ўрганди. Археология Марказий Осиёнинг IX-XII асрларда Уйғониш даври мусулмон ўтмишини дунёга очиб беришда алоҳида ўрин тутди.

IX-XII асрларга оид маданий меросни ўрганишда рассомларни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Булар В.В.Верещагин, Л.И.Бурз, Р.Х.Зоммер, Н.Н.Каразин, Н.Казаков, О.Татевосян каби профессионал рассомлар ва хаваскор рассомлар томонидан тайёрланган Ўрта Осиё қадимий шаҳар кўринишларининг эскизлари, шахсий фотосуратлар тўпламлари [1:68]; А.Л.Кун томонидан “Туркестанский альбом”, С.М.Дудин Б.Н.Касталскийларнинг [2:388] фотофиксациялари; Ўрта Осиё меъморчилиги, ёдгорликлари ва манзарали-амалий санъат асарлари тўпламлари; меъморий нақшлар намуналаридир. [3:146-148]. Кейинчалик, кўплаб ёдгорликлар қисман ёки бутунлай йўқолганда, ушбу тўпламларнинг материаллари Мусулмон уйғониш даври санъатининг тарихини ўрганиш учун бебаҳо ва хаттоки ягона манбасига айланди [4:6-7].

Шундай қилиб рус рассоми С.М.Дудин ўзининг Самарқанд, Бухоро, Анау, Байрам-Али, Оқ-Сарой ва Шахрисабз меъморий ёдгорликларининг кўплаб фотосуратларига асосланиб, барча Ўрта Осиё плиталарини мозаикага, майолика (плитка) ва рельеф плиталарига ажратиб, ўз навбатида яна бир нечта қисмларга бўлиб турлари, шунингдек, сўров маълумотларига ва шахсий кузатувларига таяниб, керамик плиталар тайёрлаш, уларни сир билан қоplash, ёқиш, безаш усуллари ва турлари бўйича йўқолган техникани тиклашга ҳаракат қилди [5:183-204]. Тўпланган тўпламлар асосида у Ўрта Осиё гилам ишлаб чиқариши [6:71-158], аънавий безак буюмлари [7:49-73], шунингдек, Марказий Осиёда, асосан Самарқандда ёғоч ўймакорлиги ва бадий керамика [8] бўйича асарлар ёзиб, ушбу материаллар асосида 300 дан ортқ безак нақшларини аниқлаган. [9:64].

XX асрнинг биринчи ярмида таниқли санъатшунос олимлар Б.Денике, Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель ва бошқалар Ўзбекистонда тасвирий санъат тарихи ва назариясининг асосчилари ҳисобланган. Уларнинг илмий ва ижодий фаоли-

яти ўзбек санъат тарихининг шаклланиши ва ривожланишига ҳисса қўшди. Уларнинг ҳар бири таълим бўйича меъмор, касб-ҳунар бўйича археолог, санъатшунос, Шарқ халқлари маданиятининг тарихчиси, Шарқ нумизматикаси, амалий санъати ва миниатюрасида бир хил билимга эга бўлган. Уларнинг асарлари шу қадар аҳамиятли эдики, ҳозирги кунгача улар замонавий изланишлар учун қимматли услубий ва далил манбаидир. Санъатшуносларнинг хизматлари шундаки, улар ўзларининг монографияларида тасвирий, амалий санъат шаклланишининг асосий қонунларини, Ўзбекистон меъморчилиги тарихини акс эттирди, унинг тарихий ва маданий аҳамиятини жаҳон миқёсида намоиш этишди.

XX асрнинг 20 йилларида Борис Петрович Денике бошчилигида Бухорога биринчи санъат тарихи экспедицияси бўлиб ўтди. Амалга оширилган ишларнинг натижаси, нафақат Ўрта Осиёнинг бадий маданиятининг янги ёдгорликларини кашф этиш, балки мусулмон ёдгорликларининг генезиси, меъморий безакларнинг қурилиши ва қадимий шаҳар ёдгорликларининг хронологияси билан боғлиқ саволларни бериш эди.

Б.П.Денике Шарқ ва Марказий Осиё халқларининг тасвирий ва амалий санъати меъморчилиги тарихидаги тадқиқотлари билан танилган. У биринчилардан бўлиб Ўрта Осиё халқларининг кундалик санъати аънаёларининг муштараклигига, уларнинг ўтроқ ёки кўчманчи турмуш тарзига боғлиқлигига эътибор қаратди. У шарқ миниатюрасини жуда яхши билган, унинг даврийлашувига аниқлик киритган. 50дан ортқ илмий ишлар муаллифи. Улар нафақат маълум бир ёдгорликнинг илмий тавсифига ва унинг шарқона санъатининг кенг доирасидаги ўрнини аниқлашга, балки кашф этилган материал асосида баъзи бир умумлаштирувчи санъат тарихи муаммосини мажбурий шакллантиришга ҳам асосланган эди. Б.Денике учун асосий нарсалар илми ўрганилмаган янги материалларни излаш ва нашр этиш эди.

Б.Деникенинг “Шарқ санъати” очерки мусулмон санъатининг ривожланиш тарихини ёзишга биринчи уриниш ҳисобланади [10:249]. Муаллиф аввал тасвирий санъатни (миниатюра), сўнгра амалий ва декоратив санъатларни ўрганди: Мато, гилам, қўлолчилик, металл буюмлар ва бошқалар, шунингдек, мусулмон меъморчилигининг қисқача кўринишини изоҳлаб берди. Китобнинг тасвирий материалларида мусулмон Уйғониш даври санъатининг ажойиб ва ноёб намуналари келтирилган. Шунингдек, Самарқанд ва Бухоронинг энг йирик шаҳарлари меъморчилигининг фотосуратлари берилган. Борис Денике бугунги кунда ушбу давр маданияти ва ҳаётини англаш учун бой манба бўлиб хизмат қиладиган мусулмон миниатюралари услуби ва ўзига хос хусусиятларини ўрганишда алмаштириб бўлмайдиган ноёб материал берди. У Сосонийлар даврида китоб миниатюраси ва хаттотлик санъати тарихи ва ривожланишини ўрганди. У миниатюраларнинг иш услубларини, умумий моҳиятини, мавзулар доирасини, миниатюралари расм техникаси масалаларини батафсил ўрганиб чиқди, асарларга тўлиқ бадий танқидий таҳлил берди.

Уйғониш даврида Ўрта Осиё санъати тарихига оид махсус ишлар мавжуд эмас эди, аммо бу масала қисман Б.В.Веймарна, Г.А.Пугаченкованинг маълум бир санъат турига ёки меъморий ёдгорликка бағишланган асарларида акс этган [11:5]. Г.Н.Чаброва, Б.В.Лунина, М.Н.Массоннинг асарларида Марказий Осиёда бадий тарих тарихшунослиги, Ўрта Осиё санъати ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва тиклаш муам-

молари ёритилган [12:12]. Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг “Санъатшунослик” жамоавий ишига, Марказий Осиё халқларининг бадий-декоратив ижодини ўрганиш тарихига алоҳида эътибор қаратиш лозим (С.М.Махкамова, Л.В.Ундерова, А.А.Хакимов) [13:526]. Ушбу тадқиқот Марказий Осиёнинг анъанавий декоратив санъатини ўрганиш тарихи бўйича тарихшунослик тушунчасидаги дастлабки тажрибалардан биридир. Бадий хунармандчилик тарихини ўрганиш анъаналари фақат XX асрнинг 60-йилларига келиб шаклланди, муаллифлар аввалги ўн йилликларда содир бўлган жараёнлар ҳақида тўлиқ тасаввур бермасдан, ушбу даврга кўпроқ эътибор беришди. Меъморий ва бадий меросни Ўзбекистоннинг бадий ҳаёти контекстида ўрганишнинг биринчи тажрибаси сифатида “Ўзбекистонда меъморий танқиднинг ривожланиш босқичлари” (Е.Р.Крюкова) бўлими эканини таъкидлаш зарур. Муаллиф тасвирий санъат санъатшунослиги мавжудлигининг социологик томонини кузатишга ҳаракат қилди.

IX асрнинг бошига келиб Ўрта Осиё минтақаларида ижтимоий ҳаётга ва одамларнинг онгига ислом маданиятининг кириш жараёни фаол давом этарди. Исломга ўтиш сабабли қадимги ва илк ўрта асрлар меросини қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Янги мафкура талабларига мувофиқ деворий расмлар ва ҳайкалтарошлик аста-секин ўз аҳамиятини йўқотди. Бу даврда мусулмон дини тамойилларига асосланган ва халифалик таркибига кирган турли халқлар санъати анъаналарини синтезлаштирган янги эстетика шаклланди. Икки омил – этномаданий ва диний дунёқараш бадий услубнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берди. Л.И.Ремпел таъкидлаганидек, X-XII асрларда санъатнинг йўналиши ва услуби этник-маданий омилга қараганда кўпроқ Ислом омилли билан боғлиқ эди. Бу даврда мусулмон санъатининг янги безакли-декоратив услуби шаклланиб, ривожланиб борди [14:237].

VIII асрдан бошлаб исломгача бўлган давр ёдгорликларида кенг акс этган ўтган асрлардаги ҳайкалтарошлик ва монументал расмлар аста-секин йўқ бўлиб кета бошлади. Тасвирий маданият мусулмон эстетикасининг доминантларидан бирига бўлган безак санъатига йўл берди, асрлар давомида бадий хунармандчилик услубини ва меъморчилик иншоотларини безашнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берди. Бу насронийлик ва буддизмдан фарқли ўлароқ Исломнинг ҳукмрон дин сифатида ўз ғояларини тарғиб қилиш воситаси сифатида расм ва ҳайкалтарошликни ишлатишдан бош тортгани билан боғлиқ эди. Ислом мафкуравий сабабларга кўра дастлабки ўрта асрларнинг бадий меросини мақсадли равишда йўқ қилди.

IX аср ва XIII асрнинг бошида, Ислом оламининг бошқа минтақаларида бўлгани каби, Мовароуннахрнинг жамоат ҳаётида ҳам ўрта аср савдо шаҳарларининг ўсиши даврида фаол ривожланган дин ва илм-фан билан бирга бадий хунармандчилик ҳам биринчи ўринга чиқди. Минглаб темирчилар, кулоллар, дурадгорлар, заргарлар, ўймакорлар, каштачилар Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари ва минтақаларида, декоратив-амалий санъатнинг ажойиб асарлари – кийим-кечак, гиламчалар, идиш-товуқлар, заргарлик буюмлари ва қуроолларни ўзига хос услубларда яратдилар. Ушбу даврда хунармандчилик билан туркий халқлар шуғулланишган. Шундай қилиб, туркий компонентларнинг таркибий қисмлари услуб, технология, шакл, шунингдек мавзулар ва мотивларни танлашда намоён бўлди. Бу даврга келиб Л.И.Ремпел учта асосий санъат мактаблари (Сўғдий, Хуросон ва Хоразм) мавжуд бўлганини таъкидлаб, уларнинг туркий-дашти санъати билан умумийлигини таъкидлаган [15:226]. Хунармандларнинг асарлари маънавий алоқалар ва мусулмон халқлари маданиятини ўзаро бойитишнинг ўзига хос шакли эди.

VIII асрнинг охиридан IX асрнинг бошигача бадий санъат Самарқандда гуллаб яшнаган эди. Хунармандчиликнинг мато, сопол буюмлар, бадий ойналар, ёғоч ўймакорлиги, суяк ўймакорлиги, тош ўймакорлиги, қуроолларга безак бериш фаол ривожланиб давр бадий анъаналарининг ўзига хос услуб ва хусусиятларини акс этди. Б.Денике “Шарқ санъати” очеркида Самарқанд усталарининг амалий, декоратив санъати (VIII-XVI асрлар)нинг безак тамойиллари, услуб ва техниканинг қандай ўзгариб борагани, асрлар давомида унинг ривожланишининг мусулмон Шарқига хос хусусиятлари тўғрисида умумий хулосалар чиқарган.

Ўрта Осиёнинг шаҳар аҳолиси анъанавий гиламчилик

ва бадий матоларни безаш билан машхур бўлиб уларни араб мамлакатларига ва ундан кейин ғарбга сотишган. Одатда, матоларни ишлаб чиқариш, уларни безаш, гиламчилик, зардўзлик, каштачилик билан шаҳар хунармандлари шуғулланиб келишган.

IX-XII асрларда тўқувчилик энг оммавий ва кенг тарқалган ишлаб чиқариш тури эди. Хунармандлар энг кўп шу соҳада ишлаган [16:123]. Аввалги даврда бўлгани каби, матолар жундан қилинган бўлиб ундан энг кўпол ва арзон матолар тайёрланган. Юқори сифатли текстил маҳсулотларини бир неча марказларда ишлаб чиқаришган (Марв, Бухоро ва Самарқанд). Ушбу йирик шаҳарларда тайёрланган матолар нафақат маиший, утилитар мақсадларга хизмат қилган, балки фахрий кийим сифатида – тақдирлаш анъаналарида инсонни бошқалардан ажратиб турадиган белги бўлган. В.А.Крачковскаянинг [17:4-7] фикрига кўра, Тироз матолари оддий хунармандчилик маҳсулоти эмас балки бадий ва сиёсий аҳамиятга эга ҳисобланиб, хутба ва тангаларни зарб этиш жараёни билан тенглаштирилган. Тироз матолари тўғридан-тўғри халифа хазинасига тушарди ва сотилмас эди. А.М.Беленитский ва И.Б.Бентович Бухоро ва Самарқанд каби йирик шаҳарларда матоларни ишлаб чиқаришни ўрганиб чиқдилар ва батафсил таҳлил қилдилар, шунингдек занданачи матоларини батафсил тавсифлаб беришга ҳаракат қилдилар [18].

Бухорода қалъа ва шахристон ўртасида жойлашган давлат тўқув устaxonаси (беит ат-тироз) мавжуд эди. У ерда халифа учун нақшли пардалар, гиламчалар, чойшаблар, жойнамоzлар ишлаб чиқарилган. А.М.Беленитский, И.Б.Бентович сомонийлар саркардаси Абу Мансур Бух Тегиннинг матолари намунасини Бухорода ишлаб чиқарилган занданачи намунаси сифатида мисол қилиб келтиришади. Дастлаб, бу мато ипакдан, кейин эса пахтадан қилинган. Бу матони ишлаб чиқариш ўта мураккаблиги сабаб қиммат бўлган.

Самарқанд ва унинг шаҳарлари йирик тўқув марказилари ҳисобланган. Қадимги ёзма манбаларда тилга олинган мато турларининг хилма-хиллиги бўйича Самарқанд биринчи ўринни эгаллайди: кумуш матолар (симгун), самарқанд парчаси, қизил мато – мумаржал, зиғир, ипак каби матолар.

VIII асрнинг охири ва IX асрнинг бошида кулолчилик бадий хунармандчиликнинг кенг тарқалган турларидан бирига айланди. Кундалик ҳаётда тарқалиш даражаси жиҳатидан фақат сопол буюмларни мато билан таққослаш мумкин. Аммо, матолардан фарқли ўлароқ, керамика анча бардошли (унинг қисмлари деярли абадийдир) ва уларни бошқа хунармандчилик маҳсулотлари билан таққослаб бўлмайди. Бугунги кунда, тадқиқотчилар сопол буюмларни ишлаб чиқаришнинг деярли барча босқичларини ва ривожланиш давларини ўрганишган. Бир қатор нашрларда Самарқанд кулолчилик мактабининг ишлаб чиқариш технологияси, маҳсулотлари, мусулмон Ўғониш даври бўёқларининг таркиби кўриб чиқилган [19:137-143].

И.Б.Бентович, А.И.Тереножкин Ўрта Осиёнинг кулолчилик маҳсулотларини ўрганиб кулол печкаларининг турлари, сопол буюмларини кимёвий ва технологик таҳлил қилиб уларни ишлаб чиқариш технологиясини қайта тиклашга муяссар бўлишди [20]. Минтақанинг кулолчилик марказлари ва уларнинг безаклари, анъаналари, иконографияси, сирлаш технологияси Г.А.Пугаченкованинг “Самарқандская керамика” китобида батафсил тавсифланган [21:91-121].

Керамика соҳасида сезиларли ўзгаришлар рўй берди янги шакллар, бошқа техник ва бадий безак бериш услулари пайдо бўлди ва декорнинг мазмуни ҳам ўзгарди. Бу даврда минтақада етакчи кулолчилик марказлари шаклланди, уларнинг орасида Самарқанд алоҳида ажралиб турарди. Уша давр керамикасининг иккита асосий тури аниқланган: Сирланмаган ва сирланган. XIII-IX асрларда юқори бадий ва техник сифатга эга сирланган керамика ишлаб чиқариш энг кучли тармоқлардан бири эди. Бу давр кулолчилиги сирининг пайдо бўлиши (кулолчилик соҳасининг технологик инқилоби), янги декоратив услубнинг яратилиши билан боғлиқ эди. Афросиёб эса унинг етакчи ишлаб чиқариш маркази бўлган. Афросиёбдаги археологик қазихмалар В.В.Крестовский, Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд, В.Л.Вяткин ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Аммо фақат В.Л.Вяткин кулолчиликка алоҳида эътибор берган. У биринчи бўлиб кулолчилик маҳаллалари жойлашган жойни бел-

гилаб бериб, бир нечта сопол печларини топди ва сирланган ва сирланмаган сопол буюмларни батафсил тавсифлаб берди [22]. X аср ва XIII асрнинг бошида Афросиёбда сопол буюмларни ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш масалалари Ш.С.Тошхўжаевнинг мақоласида батафсил ёритилган [23:58-68].

IX-XIII асрларда Афросиёбнинг сирли керамикаси бадий мукамал ва юқори техник сифатга эришди улар сопол, сир ва бўёқларнинг юқори сифати, шакллари ва нақшларининг тўлиқлиги билан ажралиб турарди. Афросиёбнинг сирланган керамика буюмлари Сўғд муслмон шаҳар санъатининг хусусиятлари билан ажралиб туради.

Афросиёб кулолчилик мактаби геометрик безакларнинг мураккаблиги билан бошқа ҳудудлардан ажралиб турган. Шуниси эътиборга лойиқки, сопол буюмларни ишлаб чиқаришни устоз эмас, балки унинг шогирдлари бажарган. Устоз яратган оригинал расми, унинг шогирдлари кўчирган. XII-XIII асрларда баъзи устахоналарда маҳсулот ишлаб чиқарилган устахонанинг муҳри қўйилган [24:65].

XII асрда Самарқандда муҳри ва рельефли нақш берилган сополлар пайдо бўлган. Бундай маҳсулотлар муслмон дунёсининг кўплаб мамлакатларига экспорт қилинган [25].

IX-XII асрларда бу ерда ҳақиқий бадий мукамал ва юқори техник сифатга эришган Афросиёб кулоллари маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва дунёқарабини акс эттирувчи ўзига хос буюмларни яратишган. X-XII асрларда Марказий Осиё учун мутлақо янги ҳодиса ҳисобланмиш эпиграфик безак буюмлар пайдо бўлди. Унда чта асосий қўл ёзуви: "Оддий куфи", "гулли куфи" ва X-асрда энг кенг тарқалган "курсив" қўлланилган. Буюмларга шон-шараф, муваффақият, соғлиқ каби эзгу тилаклардан иборат ёзувлар солинган. X-XII асрларда Шош ва Фарғона хунармандлари Афросиёб мактабининг кучли таъсирида бўлишган.

Шундай қилиб, муслмон Уйғониш даврида Самарқанд ва унинг шаҳарларида оддий маҳсулотларни, ноёб санъат асарларини ишлаб чиқарадиган кулол усталарининг кварталлари шаклланди. Керамика соҳасида сезиларли ўзгаришлар рўй бериб янги шакллар, безак беришнинг фарқли техник ва бадий усуллари пайдо бўлди ва декорнинг мазмуни ҳам ўзгарди. Бу даврда кулолчилик санъатининг етакчи марказлари шаклланди.

Бу даврнинг бошқа моддий ва маданий объектлари сингари, шиша буюмлари ҳам инсониятнинг энг муҳим ютуқларидан биридир. Шиша ишлаб чиқариш кулолчилик, металлургия ва заргарлик саноатида кўникма ва малака тўплангандан сўнг пайдо бўлди. Н.И.Веселовский маҳаллий

шиша топилмаларига биринчи бўлиб эътибор қаратди [26]. Унинг "Афросиёб – Самарқанднинг қадимги аҳоли пункти" асаридаги Афросиёб шишасига бағишланган бобни ўрта Осиёнинг ўрта асрлар ойнасини ўрганишга биринчи уриниш деб ҳисоблаш мумкин. Ўрта Осиёда олиб борилган кенг кўламли археологик ишлар жараёнида ҳамма жойдан шиша буюмлар топишган. Катта миқдордаги шишалар Самарқанддан топишган. Н.И.Веселовский, А.А.Абдуразаков ва М.А.Безбородовлар: "Топилган шиша идишларнинг асосий қисми асосан IX аср ва XII асрнинг бошида муслмон Уйғониш даврининг шиша ишлаб чиқаришида учрайди", деб айтишади. Улар IX-XIII асрларда тўғридан-тўғри Ўрта Осиёнинг шиша ишлаб чиқаришга бағишланган бир қанча фундаментал асарлар ёздилар [27]. Тадқиқотчилар шиша маҳсулотларини шакли бўйича таснифлайди, қадимги даврлардан ўрта асрларга қадар кимёвий хусусиятлар беришади. М.Аминжонованинг диссертация иши Мовароуннахрнинг ўрта аср стаканига бағишланган [28]. Тадқиқотчи Тошкент, Самарқанд, қисман Термиз, Андижон, Наманган, шунингдек Ўрта Осиё коллекцияларидаги ва музей коллекцияларида сақланадиган шиша идишларни илмий фойдаланишга киритди. Муаллиф Мовароуннахр ҳудудидаги қазилмаларда топишган шишаларни музей коллекцияларида сақлаган, хронологик доирасини аниқлаган, ўрганилган шиша идишларга типологик тавсиф берган, шунингдек маълум даражада уларни ишлаб чиқариш техникасини ўрганган. М.Аминжанова унинг шакллини ва ҳаракатини кузатишга муваффақ бўлган [29]. Муаллиф Марказий Осиё ва Эронда шиша ишлаб чиқариш даражаси юқори бўлишига қарамай, Ироқ ва Суриядан сифатли маҳсулотлар келганини таъкидлайди. Бундай буюмларнинг нархи жуда юқори эди. Шунингдек, М.Аминжанова Мисрдан шиша маҳсулотлари олиб килинганини аниқлайди [30]. Марказий Осиёда мавжуд бўлган шиша устахоналарига бағишланган махсус тадқиқотлар мавжуд эмас. Муслмон Уйғониш даврида хунармандчилик ишлаб чиқаришининг ўсиши савдо алоқаларининг ривожланишига, аҳоли даромадларининг кўпайишига олиб келади, хунармандларнинг катта қатлами вужудга келади, бадий хунармандчиликнинг янги турлари, услублари пайдо бўлади.

IX асрнинг охири ва X асрнинг бошида Марказий Осиёда Эрон ва Ўрта ер денгизи билан фаол иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ўрнатилгани шаҳарларнинг тез фурсатда ўсишига сабаб бўлди. Марв, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари йирик жаҳон савдо марказлари даражасига кўтарилди. Марказий Осиё халқлари араб ва эрон санъати таъсирида ўзларининг маданияти ва санъатини сақлаган ҳолда ўзига хос услуб яратишга муяссар бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Чабров Г.И. Первые русские художники в Туркестане (Первые два поколения). 1839-1890 гг. Рукопись. 1948. Архив НИИИМКРУз им. Хамзы, ИЖ, 4-12, № 93. 152 д.; Круковская С.М. Первые русские художники в Средней Азии. 1890-1900 гг. Рукопись. Архив НИИИМКРУз им. Хамзы, ИЖ, К-84, № 61, 110 л.; Долиневская В.Г. Художники России в Средней Азии и Казахстане. (Середина XVII—начало XX вв.) – М.: Изд.НИИ теории и истории изобр. Иск-во Российской Академии художеств, 1993.
2. Луinin Б.В. Из истории изучения памятников старины и искусства Средней Азии (Туркомстарис, Средазкомстарис, Узкомстарис) //ОНУ. № 3, 1990. С.37-44.; Историография общественных наук в Узбекистане. Био-библиографические очерки. –Т.: Фан, 1974.
3. Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. – СПб.: [6.и.], 1887. – С.72; Луinin Б.В. Самаркандский любитель старины и собиратель древностей Мирза Бухари //ОНУ. – 1963. – № 6. – С.32-40.; Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент... Указ. соч. – С.6-18; Чабров Г.П. Собрание орнаментальных мотивов среднеазиатского искусства в дореволюционном Туркестане. //Тр. ТашГУ Г., 1963. – Вып. 200.
4. Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. Туркестанские ведомости. – 1886. – 14января. Приложение. Каталог картин и достопримечательностей из коллекции его императорского величества великого князя Николая Константиновича; Переписка П.М. Третьякова и В.В. Стасова. 1874-1897. – М. –Л.: Искусство, 1949.
5. Дудин С. М. К вопросу о технике изготовления изразцовых мозаик Средней Азии //Изо. РАИМК. – Л., 1925. – Вып. IV.
6. Дудин С. М. Среднеазиатские ковры //Столица и усадьба. – Игр., 1916. – № 2; Он же. Ковровые изделия Средней Азии //Сб.

Музея антропологии и этнографии АН СССР. –Л., 1928. – Вып. УИ.

7. Дудин С.М. Собрание археологических коллекций и археологических материалов преимущественно по орнаментике народностей, населяющих Среднюю Азию, С.М.Дудина //Изв. ИАК. –СПб., 1907. – Прибавление к вып. №21 С.73;Уша муаллиф. Орнаментика и современное состояние старинных самаркандских мечетей //Изв.ИАК. –СПб., 1910. – Вып. 6.
8. Дудин С.М. Резьба по дереву у киргиз/Зодчий. – СПб. 1901.
9. УзР МА, Ф.И-71, оп 1, д.22а, л.64.
10. Б. Денике Искусство Востока. –Казань, Изд. 1923.
11. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств в Узбекистане с древнейших времён до середины XIX века. –М.: Искусство, 1965.
12. Луinin Б.В. Историография общественных наук в Узбекистане. библиографические очерки. – I Фан, 1974. 388с.; Био-библиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана. Т.: Фан, 1976. -440 с.; Средняя Азия в научном наследии отечественного востоковедения. Историографический очерк. – Т.: Фан, 1979. – 184 с.; Чабров Г.Н. Взгляды В.В.Стасова на искусство народов Средней Азии. Рукопись. 1948. ЦГА РУз, Ф.Р- 2681, оп.1, д.30, 16 л.; Вклад А.А. Семёнова в изучение искусства народов Средней Азии. Кўлэзма. 1963. д.179.
13. Художественная критика: Сб./отв.ред. Рыбник А.М. Рукопись. 1990. Архив НИИИМК РУз им. Хамзы, X-98, № 1376, 526 л.
14. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки Исории искусства Средней Азии. –М.: «Искусство», 1982.
15. Пугаченкова Г. А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. –М.: «Искусство», 1982.
16. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (Историко-культурологический очерк). –Т., 1958.
17. Крачковская В.А. О средневековых текстильных изделиях

в Средней Азии (Мервские ткани IX-X век) Матер. I Всесоюзной науч. конференции востоковедов в Ташкенте 4-11 июня, 1957.

18. Беленицкий А.М. Бентович И.Б. Из истории Среднеазиатского шелкоткачества (к идентификации ткани занданачи) СА №2, 1961.

19. Альбаум Л.И. О гончарном производстве на Афрасиабе в X – XI вв., «Афрасиаб», вып. I, Ташкент, 1969, с. 256-267; Ташходжаев Ш.С. Художественная поливная керамика Самарканда IX – начала XIII вв., Ташкент, 1967; Вяткин В.Л. Афрасиаб – городище бывшего Самарканда, Ташкент, 1927, с. 32-36; Ахбаров И. К истории керамического производства на городище Афрасиаб, «Афрасиаб», вып. I, Ташкент, 1969, ст. 301-311; Бурнашева Ф. Глазурная полива керамической посуды Афрасиаба X-XII вв., ИМКУ, вып. 4, Ташкент, 1963.

20. Бентович И.Б. Находки на горе Мур. МИА № 66, М-Л. 1958. Тереножкин А.И. О древнем гончарстве в Хорезме, Изв. Узб. Фил. АН СССР, т.6, –Т., 1940.

21. Пугаченкова Г.А. Самаркандская керамика XV в. // Труды САГУ. Археология Средней Азии. Гуманитарные науки. Кн. 3. Нов.сер. вып. 11. –Т., 1950.

22. В.Л. Вяткин Афрасиаб – городище бывшего Самарканда, –Т., 1927.

23. Ташходжаев Ш.С. Керамическое производство Афрасиаба и вопросы организации труда ремесленников X-начала XIII вв. Афрасиаб. Вып. 4, –Т.: Фан, 1975.

24. Ташходжаев Ш.С. Керамическое производство Афрасиаба и вопросы организации труда ремесленников X-начала XIII вв. Афрасиаб. Вып. 4, –Т.: Фан, 1975.

25. Денике Б. Искусство Востока. 1923. С. 235.; Пугаченкова Г.А. Самаркандская керамика// Труды САГУ. Археология Средней Азии. Гуманитарные науки. Кн. 3. Нов. Сер. Вып. XI. Ташкент, 1989. Большаков О.Г. Арабские надписи на поливной керамике Средней Азии X-XII вв. // Эпиграфика Востока, 16. М-Л., 1963.

26. Веселовский Н.И. Заметки о стекловом производстве в Средней Азии. ЗВРАУ. Т. VIII. СПб. 1893.

27. Абдуразаков А.А., Безбородов М.А. Стеклоделия Средней Азии с древности и средневековья. Ташкент, 1963.; Средневековые стекла Средней Азии. –Т., 1966.

28. Аминджанова М. Средневековое стекло Мавераннахры. Автореф. дисс... кан. ист. наук. –Т., 1962.

29. Аминджанова М. О производстве стеклянных изделий в средневековом городе Кува. НРС, кн. 1, –Т., 1960.

30. Аминджанова М. Два сосуда из египетского стекла в собрании музея Самаркандского музея. НРС. Кн. 2, –Т., 1961.

♦ **Аннотация:** Мақолада биринчи мусулмон Уйғониш даврида (IX-XII асрлар) тўқувчилик, гиламчилик ва куллулчиликнинг ривожланиш тарихи ҳақида маълумот берилган, ҳамда тарихшунослик масалалари ёритилган. **Таянч сўзлар:** Уйғониш даври, амалий санъат, хунармандчилик, тўқувчилик, матолар, куллулчилик.

♦ **Annotation:** This article provides a historical overview of the development of weaving, carpet art and ceramics of the period of the Muslim Renaissance (IX-XII centuries). Also, the author provides the historiography of the problem. **Key words:** Renaissance, applied art, craft, weaving, fabrics, ceramics.

♦ **Аннотация:** В данной статье приведен исторический обзор развития ткацкого производства, ковроделья и керамики периода мусульманского ренессанса (IX-XII века) а также рассмотрена историография вопроса. **Ключевые слова:** ренессанс, прикладное искусство, ремесло, ткачество, ткани, керамика.

МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҶА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

ЖОНИБЕК ЖУМАЕВ
Имом Бухорий халқаро
илмий-тадқиқот
маркази ходими

Ўтмишни ўрганиш, тарихий хатолардан тўғри хулоса чиқариш миллий ўзлигини англамоқчи бўлган ҳар бир маърифатли инсоннинг бурчидир. Кишиларда ўз тарихига қизиқиш уйғотиш, таҳлил қилишга ундаш ва бўлиб ўтган воқеаларга изоҳ бериш учун аввало тарихий тафаккур ва тарихий онг керак. Тарихий онг кишига ўз Ватанининг кечмиши ва тараққиётини идрок этиш, қай бир жойда бўлмасин, бошқаларга таништира олиш, тарихий тафаккур эса ушбу воқеа-ҳодисаларни фалсафий таҳлил қилиш, уларга нисбатан ўз дунёқараш ва позициясини яратиш имконини беради.

Ҳар қандай дин эътиқод қилувчилари учун тўлдирувчи, овутовчи вазифасини бажаради [3:133]. Масалан, инсонда доимий эҳтиёж ҳосил бўлиши ҳодисасини олайлик. Инсон ўз ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият билан муносабатлари жараёнида ҳаётини мақсадларига эришиши иложсиз кўринганида, у қандайдир маънавий-руҳий эҳтиёжга зарурат сезган. Ана шундай эҳтиёж диний эҳтиёж эди. Дин бу ўринда маънавий-руҳий эҳтиёжни қондирувчи, тасалли берувчилик вазифасини бажарган ва ҳали ҳам бажармоқда [3:133].

Бугунги кунда фуқароларимизни ёт ғоялар таъсиридан халос этиш учун, чин эътиқод, соф дин ғояларини тезлик билан етказиш давр талаби ҳисобланади. Мустақиллигимиз арафасида ва ундан кейинги даврда ҳам вазият шуни тақозо этарди. Буни биз мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг қуйидаги даъватидан ҳам англашимиз мумкин: “Халқимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, экстремистик, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва оқойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта ҳавф туғдиришини одамлар онига чуқур сингдириб бориш керак. Халқларимизнинг тафаккурида юксак ахлоқий, маънавий қадриятларни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш орқали уларни ёвуз кучларга қарши курашга сафарбар этиш зарур” [8:4].

Коммунистик мафкурага асосланган социалистик тузум парчалангандан сўнг, блоклараро қарама-қаршилик ўрнида миллатлараро, элатлараро, динлар ва мазҳаблараро курашлар кучайиб кетди. Диний таълимотларнинг бузиб талқин қилиниши эса ушбу динларга нисбатан кўрқув ҳиссини

уйғотишга олиб келди. Хусусан исломофобия бутун дунёни қамраб олмоқда. “Ислам ва ҳозирги замон” китобида: “Бунга сабаб баъзи мутахассисларнинг фикрича, ислом ҳозирги кунда сиёсий тикланиш босқичидан ўтаётганидир. Ўз вақтида насронийлик ҳам шу босқичдан ўтган эди. Ҳозирги дунёда бу турли сиёсий диний таълимотларнинг вужудга келишида ифодаланмоқда. Буларга мисол қилиб охир-оқибат тинчликка, ижтимоий адолат, демократия, барча халқ ва миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳақидаги декларацияга олиб борувчи, шунингдек, давлат мафкурасининг асосий негизи сифатида исломни тан олувчи “исломий тараққиёт йўли” назариясини келтириш мумкин” [1:55], дейилади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон ўз мустақил йўлини танлаб олди. Янгиланаётган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак.

Ижтимоий ва маънавий соҳада бу қуйидаларни билдиради:

- Инсонпарварлик ғояларига содиқлик. Бу ғояларнинг олий мақсади инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, шон-шарафи ва қадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи;

- маънавият ва ахлоқни қайта тиклаш. Халқларнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

- қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш. Халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш;